

ЛЕНИН ВАСИЯТЛАРИГА СОДИҚМИЗ

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ИЛ ЧИҚИШИ.

№ 74 (4065).

15

АПРЕЛЬ

СЕШАНБА

1969 ИЛ

Баҳоси 2 тийин.

КОММУНИСТИК МЕХНАТ ТАНТАНАСИ

«Хамма — шанбаликка!» «Коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига ашайми!» «Бир кулик меҳнат ҳақимизни Ватанимиз куч-қудратини оширишга берами!» «Буюк почин традициялари давом этади!» Шу мазмундаги қалб сўзлари, жанговар ширларни ҳамма ерда ўқиб, ҳар бир кишининг оғзидан эшитиш мумкин эди. Бу сўзларда совет кишинининг юксак оғи ва оташин ватанпарварлиги, Коммунистик партия ва жонажон ҳукуматининг, она-Ватанига чексиз садоқат, фахр ва муҳаббат ҳислари тўла акс этган.

Совет кишилари, шу жумладан областимиз меҳнаткашлари 12 апрелда биринчи коммунистик шанбаликнинг 50 йиллигини нишонладилар. Бу тарихий ва унутилмас кун ҳамма ерда: саюат корхоналари, қолхозлар, совхозлар, шаҳар ва қишлоқлар, муассаса ва қурилишларда умумхалқ тантанасига айланиб кетди. Меҳнат, иқдор, яратувчилик ишларининг қудратли намойиши бўлди. Шу кунги минг-минглаб кишилари: ишчилар, қолхозчилар, хизматчилар, студентлар, мактаб ўқувчилари, врачлар, ўқитувчилар, кексаю ёш — ҳамма коммунистик шанбаликка чиқди.

«Коммунистик шанбаликлар, — деган эди В. И. Ленин, — шунинг учун ҳам жуда катта тарихий аҳамиятга эгадирин, улар бизга ишчиларнинг меҳнат унумини оширишда, янги меҳнат низомига ўтишда, ҳужалик ҳаётининг социалистик шароитларини яратишда оғли ва ихтиёрий суратда ташаббускорлик қилаётганлигини кўрсатмоқда». Улуг доҳининг бу доно сўзлари нақадар қимматли, нақадар ҳаётий аҳамияти шу кунлардаги меҳнатимизда, ишимизда, ҳар бир соҳада ёрқин кўриниб турибди. 12 апрель кунги ҳамма ерда меҳнат жараяни мавж урди. Ишчилар одатдагидек ўз дастхоналари ёнида туриб ишладилар. Қолхоз ва совхоз далаларида бу йилги ҳосилнинг замини учун табиат қийинчиликларига қарши қизгин кураш борди. Чирчиқ химиклари, Олмалиқ индустриясининг азаматлари, Оҳангарон шахтерлари, Бекобод металлургиялари, Янгйўл саноатчилари, республикамиз пойтахтининг ватанпарвар, ташаббускор ишчилар синфи коммунистик меҳнат намунасини кўрсатиб, пландан ташқари турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқардилар. Шанбалик кунги Тошкент шаҳри меҳнаткашлари, областимиз районлари ва шаҳарларнинг аҳолиси завод ва фабрикаларга, институт ва мактабларга, корхона ва муассасаларга кендилар. Майдонлар, кўча ва йўлақлар, бог ва хибонлар одамларга тўлди. Қалчадан қанча йўллар тўзатилди, арчиқлар тозаланди, биноларнинг атрофлари тартибга келтирилди. Мингларча туи дарахт кўчатлари, тул ва кўчатлар ўтказилди.

Коммунистик шанбалик оддий меҳнат кунг эмас, балки оғли меҳнат, юксак ушшоқлик, янгича анъаналарнинг бунёдга келиши, ленинча традицияларнинг ёрқин ва қудратли давом, халқимизнинг партия XXIII съезди қарорларини, беш йиллик топириқларини бажони дил бажарини учун курашга отланганлигини ифода этган унутилмас кун бўлди.

«Коммунистик шанбаликлар коммунизмнинг ҳақиқатан бошланishi бўлгани учун бениҳоя қимматдир», — деган эди В. И. Ленин. Жаҳонда ягона социалистик давлат асосини, буюк доҳий ва устоз Владимир Ильич васиятлари эндиликда қўш нуриддек бутун жаҳонга ёрқин таралмоқда. Биз коммунистик меҳнат галабасига эришамиз. Бу доно, абадий барҳаёт, ялҳомбахш, жанговар ва қалбларни тўқилантирувчи программ сўзлар амалга ошиб, Советлар Ватанида коммунистик меҳнат тантана қилаётганлигини гувоҳи бўлиб турибмиз. Коммунистик меҳнат учун, коммунистик меҳнат бригадаси, коллективни, коммунистик корхона, шаҳар номини олиш учун кураш кенг қулоқ ёйиб кетганлиги, мамлакатимизда коммунизм кўрталари ўсиб-ўлғайиб, бу аjoyиб анъаналар ҳаётимизга кўпроқ кириб бораётганлиги ҳар бир совет кишининг қалбини чексиз қувончларга тўлдирди.

Учкундан алаҳга! Биринчи коммунистик шанбаликнинг учкунлари эндиликда бутун мамлакат бўйлаб кучли алаҳга оғди. Биз ярим асрлик юбилейни нишонлаётган коммунистик меҳнат тантанасига алаҳ шу қудратли учкун алаҳасининг улкан байрамидир. Бу унутилмас кунлар совет халқи В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлаш учун қизгин тайёргарлик кўраётган шу тарихий кунларга тўғри келди. Завод ва фабрикаларда, қолхоз ва совхозларда, коммунистик қурилишнинг барча соҳаларида улуг санани меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақаси кенг қулоқ ёйди. Илгор коллективлар биринчи квартал планини муддатидан илгари бажардилар. Қишлоқ ҳужалиги меҳнаткашлари чорвачилик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан дастлабки марраларни эгалладилар. Пахтакорларимиз чигитин тезроқ экиб олиш учун курашмоқдалар. Азамат бинокорлар уй-жой, маданий-مائий муассасалар қурилишини тезлатиш учун шижоат кўрсатмоқдалар.

Коммунистик анъаналар, ленинча шанбаликлар, илжодий меҳнат намуналари, буюк починлар байроғи янада баланд ва мағрур ҳилпирасини. Ленинча традициялар кенг қанот ёйсини. Беш йиллик топириқларини муддатидан илгари бажариб, коммунистик қурилишда янгида-янги зафарлар кучайлик. Бу — улуг доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб совғамиз бўлади.

Буюк починнинг миллион-

ларча ворислари коммунистик

шанбалик 50 йиллигини юксак

ватанпарварлик туйғуси билан

нишонладилар.

ШАНБАЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Ўтган шанбада кўп минг кишининг ишчи-хизматчиларимиз кўлини-қўлига бориб меҳнат қилдилар. Шу кунги бир неча юз минг сўмлик миқдорда иш бажарилди.

Айниқса, мартен ва прокат цехлари ишчилари аўр ғайрат-шижоат кўрсатдилар. Улар ўз нормаларини ортинг билан адо этдилар. Дюдаги учта паровоз ремонтига киришди. Улардан биттаси ремонтдан чиқарилди. Қолгани эса келгуси шанбада ремонт қилинади. Бу шанбаликда сабабли ишга чиқарилган ишчи-хизматчилар навбатдаги

шанбаликда меҳнат қилишга қарор беришди.

Корхонамизда барча майдонлар тозаланди. 1000 тупдан ортинг кўчат ўтказилди. «Металлургия» стадионини мавсумга тайёрлашда 175 комсомол ва ёшлар қатнашдилар. 21 автомашинани шанбалик иштирокчилари хизматига бўлди. Қ. Тошматов, А. Ворисхонов, А. Вибренцов, М. Ризасев сингари юзлаб кишинлар меҳнатда ўрнатилди бўлдилар.

Э. ВАЛНОВ.

Бекобод металлургия заводи партия комитетининг секретари.

ЛЕНИН РАЙОНИ 12 АПРЕЛДА

КОРХОНА ҳовлисига соя ташлаб турган доврахтларнинг яшил шохлари баҳор еллалида аста тебранди. Ким биланди, танаси қушоққа снгмас бу дарахтлар балки корхона ишчиларининг қўли билан ўша биринчи коммунистик шанбалик кунг экилгандир. 1919 йилнинг 12 апрелида ҳамма одамларда ишга келиб корхона территориясини тартибга келтирган, кўчарилди, танаси қушоққа снгмас бу дарахтлар балки корхона ишчиларининг қўли билан ўша биринчи коммунистик шанбалик кунг экилгандир.

1969 йилнинг 12 апрели дам олиш кунг бўлишига қарамай ишчилар ўз меҳнат постларига баривақт келишди. Улар орасида биринчи коммунистик шанбалик иштирокчиларидан электр цехи монтери Константин Тимофеевич Брикаев, ветеран ишчилардан Константин Михайлович Рутин, қаҳрамон токар Абдушукур Қодиров, кекса ишчилар ишни давом эттираётган комсомоллардан Леонид Аметов, Ботир Иброҳимхўжаев ва бошқалар кўринад.

Соат роппа-росса саккиз. Константин Тимофеевич тудок ричагини босди. Коммунистик шанбалик бошлади.

Буюк починнинг шонли эллик йиллиги арафасида Октябрь революциясини номиди тепловоз-вагон ремонтг заводи коллектив

и аjoyиб ташаббус билан чиққан эди. Завод ишчилари барчани илк коммунистик шанбаликнинг ярим асрлик юбилейини меҳнат байрами сифатида станоклар олдида, қурилиш майдонларида нишонлашга қарарладилар. Улар 12 апрель кунг бир неча тепловоз ва локомотивни ҳақ олмай ремонтдан чиқариш, минглаб мустаҳкамлаб болтлар тайёрлаш, бир қанча вагон коллодалар ишлаб чиқариш — жами 50 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашга аҳд қилдилар.

Ўша кунгги меҳнат юксак мажбуриятга яраша бўлди. Барча цех ва участкаларда ағрегатлар кунг бўйи гувилаб турди. «Дизель цехи коллективни планга қўшимча равишда битта дизелни қисмларга ажратди», «Тепловоз цехи бир тепловоз секциясини ремонт қилиб бўлди» каби хушхабарлар шанбалик штабига бетўхтов хабар қилди турлиди.

Айни пайтда идора ходимлари корхона территориясини тартибга келтириш, тул ва ниҳоллар ўтказиш билан банд бўлдилар.

Кеч тунда кунг буйи бажарилган ишлар ҳисоб-китобдан ўтказилди. Рақамлар Октябрь революциясини номиди завод коллективни шанбалик мажбурияти

ни шараф билан адо этганлигини кўрсатиб турарди. ЛЕНИН районидида бошқа корхоналарда ҳам коммунистик шанбалик аўр ушшоқлик билан ўтди. «Қизил тоғ» фабрикасини ишчилари шанбаликни эрталаб соат 7 даёқ бошлаб юбордилар. 1800 тикувчининг ҳаммаси белгиланган вақтда машиналарни ҳаракатга келтирди. Ишчилар кун давомида 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, унинг 10 минг сўмининг беш йиллик фондида ўтказишга қарор қилдилар.

Бошқа корхоналарда ҳам шанба кунг иш қилинганлигидек давом этди. «Учкун» тўғимачилик-галантерия фирмаси коллективни ўша кунг 50 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. И. В. Стрельцов номидидаги 1-«Автомобиль» коллектив эса «ГАЗ-51» ва «ЗИЛ-120» автомашиналарининг 20 та дингательини ремонтдан чиқардилар. Қўллаб-запас қисмлар тайёрлаб автохўжаликларга жўнатилди. Ёшлар 40 тоннага яқин металлом тўпладилар. Қаноп фабрикаси, трамвай-троллейбус бошқармаси ва бошқа корхоналарда ҳам коммунистик шанбалик Буюк почини анъаналарига содиқлик туйғуси билан ўтди.

Ж. НОСИРОВ.



ОЛМАЛИҚ ҲИССАСИ

Коммунистик шанбаликнинг 50 йиллигини нишонлашда 44 мингдан кўпроқ олмалиқликлар иштирок этдилар. Шаҳар меҳнаткашлари Буюк починнинг ярим асрлик туйғини қандай нишонлаганликлари ҳақида Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Мухамедов қуйидагича ҳикоя қилди:

Шаҳримиздаги 10 га яқин йирик саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг олийхизмат меҳнатсеварлари актив суратда шанбаликка чиқиди. Турли касб-эгалари ўз меҳнат постларида туриб, беш йиллик фондида муносиб ҳиссаларини қўшишга янтлдилар. Шу кунг юз мингларча сўмлик маҳсулотлар тайёрланди. Қурилиш участкаларида, хиебон ва йўлларда меҳнат аянига чиқди. 800 тонна темир-тераск йинилди. 73 минг квадрат метр майдондан 600 га яқинча тозаланди. Бу соҳада айниқса, мис бойитиш фабрикаси, марказий ремонт-механика заводи, Қалмоққир лонг ишчи хизматчилари бошқаларга ўрнатилди бўлдилар.

Мис бойитиш фабрикасининг ишчилари эса шу кунг йормани 1.5 ҳисса адо этди. Хизматчилар кучи билан 200 тонна темир-тераск тўпладди. Маҳсулот сифати «0.8» процент оширилди. Қалмоққир конининг биргина Шарқий карьерг участкасида 150 киши юбилейни катта ютуқ билан нишонлади. Экскаватор машинисти Э. Фозилов, участка механиги А. Битарев, пармалаш мастери Н. Алтинников ва бошқалар кўрсатган ташаббус эвазига 9 минг кубометр тоғ жинси қазилди. Руда ўз вақтида етказиб берилди. Шунингдек, Мебель фабрикаси, пластмасса буюмлари комбинати, цемент, сантехлит заводи, шаҳар коммунал ҳужалиги ва бошқа корхона ҳамда ташкилотларнинг ишчи-хизматчилари ҳам катта ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилдилар. «Алмалик-индустрий» трестининг 4 йўлга ва кўчалар тозаланди. Бу соҳада айниқса, мис бойитиш фабрикаси, марказий ремонт-механика заводи, Қалмоққир лонг ишчи хизматчилари бошқаларга ўрнатилди бўлдилар.

Шанбалик тўғайли шаҳримиз янада кўркамлашди.

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ЧИГИТ ЭКИШНИНГ

БОРИШИ ҲАҚИДА 14 АПРЕЛГАЧА БЎЛГАН

МА Ў Л У М О Т

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Янгйўл —	4,1	Ўрта Чирчиқ —	0,7
Оққўрғон —	3,5	Бўка	0,3
Бекобод —	2,5	Юкори Чирчиқ —	—
Оржоникдз —	2,1	Область бўйича:	2,0



ОКтябрь революциясини номиди тепловоз-вагон ремонтг заводи меҳнаткашлари коммунистик шанбаликнинг 50 йиллиги кунгиди ҳақ олмай 50 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. йўлга бўйларни ва хиебонларга минглаб туп ниҳоллар, тул кўчатларни ўтказдилар.

Дунё хабарлари

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ НОТАСИ

Шу йил 11 апрель куни СССР Ташқи ишлар вазирлиги Хитойнинг Москвадаги элчихонаси орқали ХХР Ташқи ишлар вазирлигига қуйидаги нотани юборди.

«Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Ташқи ишлар вазирлиги Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига қуйидагиларни маълум қилади.

1964 йил кузидан П. И. Зирин ва бошқалар СССР делегацияси ўртасида Пекинда бўлиб ўтган маълум маслаҳатлашуларда шу маслаҳатлашуларнинг Москвада давом эттириш тўғрисида ўзаро келишиб олинган эди. Уша вақтда Совет делегацияси маслаҳатлашуларнинг 1964 йил 15 октябрда бошланиш таклифи қилган эди. Лекин уша вақтда ва ундан кейин ҳам маслаҳат давом эттирилмади, бунинг учун Совет томон айбни эмас эди.

СССР ҳукумати Хитойнинг Москвадаги элчихонаси орқали шу йил 29 мартда ХХР ҳукуматига тошхирланган баёнотида 1964 йилда Пекинда бошланган маслаҳатлашуларни Совет ва Хитойнинг расмий вакиллари яқин вақт ичида бошлаб юборсинлар, деб таъкид қилган эди.

СССР Ташқи ишлар вазирлиги ХХР Ташқи ишлар вазирлигига таъкид қилиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг муқор вакиллари ўртасида маслаҳатлашуларни яна бошлашни таклиф этади ва бу маслаҳатлашуларни Москвада 1969 йил 15 апрелда яна Хитой томони учун қулай бўлган бошқа энг яқин фурсат ичида бошлашга ўзининг тайёри эканлигини билдирди.

СССР Ташқи ишлар вазирлиги масаланинг муҳимлигини ҳисобга олиб дарҳол жавоб берилишига умид қилади.

ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ ЗАРБАЛАРИ

ЛОНДОН. 14 апрель. (ТАСС). Халқ озолиқ қуролли қучлари қисмлари 13 апрель кечаси Жанубий Вьетнамнинг турли районларида Американи ва Сайгон армиясининг 35 та ҳарбий объектларини ўққа тўтиди.

Рейтер агентлигининг Сайгондаги мухбири берган хабарга қараганда, Сайгондан 90 километр қарб — шимолдаги Тайнин районидан ва Сайгондан 64 километр қарб — шимолдаги Даутиенда жойлашган АҚШ қарб базалари, шунингдек АҚШнинг Фанчангдаги қарб ҳаво базаси тўпланган айнқаси қаттиқ ўққа тўтилган. Америка армиясининг шу базаларда жойлаштирилган бўлимааларининг соддатларига ва техникасига шикаст етказилган.



МАМАЛАКАЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ВЬЕТНАМ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ. Хайфон денгиз портига ҳар йили Совет Иттифоқидан қўлаб парохоз ва теплоходлар келиб туради. Сурада: Одесса денгиз савдо парохозчилигига қарашли «Пула» теплоходи Хайфон денгиз портида. Денгиз портининг ишчилари дан Нгуен Тхи Оань (чапда) ва Нгуен Суан Хуен «Пула» теплоходининг матроси Михаил Шенейк билан суҳбатлашмоқда.

В. Собаев фотоси. ТАСС.

ПАРИЖДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ПАРИЖ. 11 апрель. (ТАСС мухбири). Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг вакили Нгуен Тхань Ле ўн жинини яқин мажлисдан кейин ўтказилган матбуот конференциясига қатнашиб, «Вьетнамда долр Парик кенгаши қатнашчиларининг навабдати мажлиси, бахтга қарши, ҳеч қандай натижа бермаганлигини таъкидлаб ўтишга тўғри келади», деб айтди.

Америка агросорлари яқин ишлар, тиқчилик режалари тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларни айтиш билан бирга Вьетнам территориясини бомбардирмон қилишни, ўнча тутишни ва унинг тепасига разведка самолётлари учуришни қучайтирмоқда, деди у.

Мана шуларнинг ҳаммаси, деб таъкидлади Нгуен Тхань Ле. АҚШ ҳукуматининг Жанубий Вьетнамга нисбатан янги муаммалақчилик ниятларидан, Вьетнамнинг иқтисод бўлиганилини сақлаб қоллиш режаларида ваз кечмаганлигини қўрсатиб турибди.

Р. НИКСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ВАШИНГТОН. 11 апрель. (ТАСС). Бу ерда НАТО кенгашининг икки кунлик сессияси ўтказилмоқда. Ғарб давлатларининг ана шу ҳарбий блоки тўғрисида 20 йил тўлишини бағишланган бу сессия қатнашчилари ҳузурида кеча Қўшма Штатлар президенти Р. Никсон нутқ сўзлади.

Никсон НАТОнинг ҳозирги аҳволига баҳо бериб, Шимолги Атлантика пактининг кемираётган эйдидларини яшра олмайди. «НАТО ҳақи остида турибди», — деди президент НАТО ичида «унинг структураси ҳусусидан баҳолар», давом этмоқда. «Унинг аъзолари орасида «тилофлар бор», блокка кирувчи ҳар бир мамлакат НАТО доирасида Ғарбий Европада сақлаб туришни лозим бўлган «қуролли қучларнинг узулларини бажармаслик истаги ҳам мавжуд», деди у. Шу билан бирга Никсон «Атлантика океанининг ҳар йилда томонидан қўпгина кишилар НАТОни сарқитиш қилди деб ҳисобламоқдалар», деб айтди.

Совет Иттифоқи билан Африканинг муштанқ давлатлари ўртасидаги дустлик ва ҳамкорлиги яна сайин рилишмоқда. Қитъанинг 30 миллионга яқин аҳолиси ҳамон муаммалақчилик қўл остида азоб чекомоқда. Ангولا, Мозамбик, Родезия, Жанубий Африка республикаси, «Португалия» Гвинеяси ватанпарварлари ўз мамлакатларининг озолиқ учун курашмоқдалар. Жаҳондаги барча прогрессив қучлар муаммалақчилик системасининг сўнгги таъқиларига мардо, на ҳукум қилаётган ватанпарварларнинг ҳаққоний талабларини қўлаб қувватламоқдалар. Бу мамлакатлар омонидан оппоқ тоғ остидаги қучлар узок эмас.

И. УСМОНОВ. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходими.

ДИВЕРСАНТ УШЛАНДИ.

ГАВАНА. 14 апрель. (ТАСС). «Хувентуд ребеель» газетасининг хабар беришича, 4 апрелда Камагуэй вилоятида контрреволюцион иш билан шуғулланиб келган Блан Мартинес деган киши қамоққа олинди. Сўроқ вақтида у шакар қаминиши йиғиштириб олишга тайёргарлик қўришга ва уни ўтқиришга асосан қишлоқ ҳўжалик техникасини ва асбоб-ускуналарини ишдан чиқариш йўли билан халақит бериш мақсадиди Кубага юборилганлигини бўйнига олди. Қўруручи қамоққа олинатган вақтида унинг ёнидан ҳар хил яроғ ва ўқ дори топилиди.

ФУТБОЛ ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Ўтган шанба куни «Пахтакор» футболчилари СССР кубогининг эгаси ва 1968 йил чемпионида бронза медалларини қўлга киритган пойтахтнинг «Торпедо» номлисини қабул қилдилар. Дастлабки лиски учрашувда муваффақиятсизликка учраган ҳамшаҳарларимиз олдидан ана шундай қучли-қучли билан беллашганидек қийин вазифа турган эди.

Пахтакорчилар учрашувнинг бошданг ташаббусини қўлга олишга ҳаракат қилдилар. Дастлабки минутлардаг пахтакорчи Иброҳимов қанотдан шиддат билан ёриб кириб, мовсвалилар ҳимоячиларини шошириб қўйди. «Торпедо»нинг қучли ҳимоячилари Янеч, Пахомов, Шустиков ҳамма вақт ҳушёр турлишга, дарвозабон Лайзан эса майдон ағаларининг зарбаларини бирин-кетин қайтаришга мажбур бўлди.

Торпедочилар ҳам «Пахтакор» дарвозаси олдидан бир неча бор ҳавфли вазият юзага келтирдилар. Аммо «Пахтакор» соқиси Лубаревичнинг бахтли меҳмонлар ҳужумчиси Шалимов, Гершкович ҳамда Леневалянинг зарбаларини

мўлжалга бормади. Шалимов икки марта 4—5 метрдан мўлжални олдиди. Рақибларнинг қучаши таънафусдан сўнг янада кескинлашди. Биринчи бўлиб, ўзбек футболчилари муваффақиятга эришди. 55-минутда Иброҳимов ошириб берган тўпни Варюхин москвалилар дарвозасига киритади. Шу заҳоти меҳмонлар қарши ҳужумга ўтишди. Иккинчи бўлимда майдонга тушган «Торпедо» ветерани Стрельцов ҳисобини тенглаштиришга ердлашди. У Штерн ва Любарцевни алдаб шерити Шалимовга тўпни аниқ ошириб берди. Ҳисоб 1:1. Пахтакорчилар бой бериб қўйган устуниликни тиклаш учун яна олдинга интилдилар. Икки минут ўтар-ўтмас ҳимоячи Аҳрол Иноятгов олисдан туриб қучли зарб билан меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритади.

Автовадчилар маълумиятдан қучилиш учун бор қучларини сафарбар қилдилар. Уларнинг ҳимоячилари Шустиков ва Чумаков ҳам «Пахтакор»нинг штраф майдонига бир неча бор кириб келдилар. Аммо омад меҳмонларга қучлиб бормади. Тошкентликларнинг

ҳимояси ярим соатлик оғир синовга бардош берди. Дарвозабон Любарцев барча ҳужумларни барта рақ қилишга муваффақ бўлди. 2:1 ҳисоби учрашув охиригача сақлаб қолди.

Бу ҳамшаҳарларимизнинг «Торпедо» командаси билан бўлган учрашувларда қозонган иккинчи ғалабасидир. Маълумки, ўзбек футболчилари 1961 йилдан буён автозаводчиларни енгиш калитини топпмай келардилар. Умид қиламизки, пахтакорчилар бундан кейинги ўйинларда ҳам ана шу калитни ишлатабдилар.

Шу кунни яна 8 та учрашув бўлди. Унинг натижалари қуйидагича: Биринчи группа — «Заря» — «Динамо (Киев)» — 0:1; «Нефти» — «Динамо» (Москва) — 2:1; СКА — ЦСКА — 0:1; «Черномор» — «Крилья Советов» — 2:2. Иккинчи группа — «Дайвас» — «Спартак» — 1:1; «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск) — 2:1; «Торпедо» (Кутанен) — «Зенит» — 1:0; «Шахтер» — «Локомотив» — 1:1.

Биринчи группада уч ўйиндан

бештадан очко олган киевлик ва бонкулик футболчилар олдидан боришмоқда. ЦСКА эса икки ўйиндан тўрт очко тўплади.

Иккинчи группада тўлиқисиллар ягона пешқадам бўлиб турлишди (5 очко). Москва спартакчилари билан Кутанен торпедочилари икки ўйиндан уч очко олишди. Туртинчи ўринда бораётган минискилар ҳам уч очкога эга. Аммо улар учта ўйин ўтказишган.

С. МУСАЕВ.



Сурада: «Торпедо» дарвозаси олдидан ҳавфли вазият.

А. Угай фотоси.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама Эълонлар ВА

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ:
17.55 — Кўрсатишлар программаси, 18.00 — Болалар учун эшитириш (Ўзбек тилида).
Рус тилида: 18.25 — Телевизионлар, 18.40 — Тошкент истиқболи, 19.00 — Реплама ва эълонлар, 19.05 — Киноленинома саҳифалари.

Ўзбек тилида: 19.55 — Ўн минут музика, 20.05 — Адабий театр. Ю. Фучик, «Дор остидаги сўз», 20.55 — Телевизионлар, 21.10 — «Пропандист» тележурнали, 21.40 — Етти хазинадан бири, 22.00 — Ғазал ҳақида баҳс.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
17.00 дан — Олмаота кўрсатади.

ТОШКЕНТ КўРСАТАДИ:
Ўзбек тилида: 20.00 — «Мен — Қозғистонман» (телефильмнинг 5 ва 6 сериялари), 20.40 — Классик кўйлар саҳифалари.
Рус тилида: 21.20 — «Натта оила» (бадий фильм).

ТЕАТР

НАВОНИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 15/IV да Евгений Онегин, 16/IV да Жизель, 17/IV да Чмо-Чмо-Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да Бой ила хизматчи, 16/IV да Парвона, 17/IV да Алмонларим.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/IV да Дийдор, (кундуз соат 5 да), 16/IV да Учинчи оруз.

КИНО

Қоҳира 30 йилларда — САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 1.15 минутда, 5 ва 6 яриқда), «ЧАНКА», «ЎЗБЕКНИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», НАВОНИЙ НОМЛИ, «МОСКВА» (кундуз ва кечкурун).

Ана-уна Карамзювлар (1-2 сериялар) — «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечкурун).

Асриниздан миллион йил илгари — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Қўлга тушмас қасосорларнинг янги саргузаштлари — САНЪАТ САРОНИ (кундуз ва кечкурун).

Алтон тутқинлари — «ЎЗБЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечкурун).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши Министрлиги

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА «1-ЎЗ. СЕЛЬСКОСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ МАХСУСЛАШТИРИЛГАН ҚУЧА МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИЛГАН КОЛОННАСИГА таърибали геодезистлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Қўйбешев кўчаси, 31-уй, надрлар бўлими.

КНРОВ РАЙОН ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН БУХГАЛТЕРИЯСИГА

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Кренкель кўчаси, 2-уй (2, 16 трамвайлар, 9, 11, 19, 21, 49, 56 автобусларнинг «Ўриқий кўчаси» бекати).

«МЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»НИНГ

7.ТРЕСТИ 3-ҚУРИЛИШ ВОШҚАРАСЧИ ТУГАТИЛАДИ

Ҳамма даъволар 30 апрелгача қабул қилинади.

ЎРТОҚЛАР! ДОНОРЛАР САФИГА КИРИНГ

ЭСДА ТУТИНГ:

Сиз ўз қонингиз билан инсон ҳаётини сақлаб қоласиз.



Қон бериш соғлиқ учун зарарсиздир.

Донорлар — ҳар бир совет гражданининг фахрли бурчидир.

Донорлар — ақшанбадан ташқари ҳар кун эрталаб соат 9 дан 10 яримгача қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, III. Руставели кўчаси, 138-уй (18, 30, 58-автобуслар 7, 14-трамвайларнинг «Қон қуйиш институт» бекати).

А ЖОЙИБ КАШФИЁТЛАР

ОШҚОЗОН ОРҚАЛИ ЭМАС...

Иисон овуғлавланишининг одатдаги осомани мана булай: овуғат ошқоқозонга тушадди. Ҳам булайди, кейин эса овуғат моддалари қон токи билан бутун организмга тарқалади.

Ана шу биз ўрганиб олган таъаввурга америкалик олими М. Ҳур муҳим ўзгариш киритди. У киши оғинга илгиринг олганидан сўнг бир хиниш ўтгади, инсон боши мингидан нади моддаси пайдо бўлишини исботлади. Одатдаги осом билан бу ноқеани тушунириш мускул албатта янги осомгоҳга тушиб, сўнг мингга тарқалиши учун бир минут намлиқ қилиди. Шу боисдан Ҳур ўз таъбиридан, айрим моддалар миғна ошқоқозонни четлаб ўтиб олса керак, деб тахмин қилган.

КУЛГИ ШАМОЛЛАШНИНГ

ОЛДИНИ ОЛАДИ

«Душанба кунги грип билан касалланиш аҳтимоли жума кунгига нисбатан икки марта ортиқдир», деди Нью-Йорк университетининг доктори Жакел.

Вир қатор экспериментлар ўтказиш натижасида Жакел, асосий ҳаф микробаларда эмас, балки одамларнинг найфиятида ефасини небот қилди. Агар киши душанба кунги ишга учаллик ҳоҳиш билан бормаса, унинг организм тоқуси (ҳайвта) нобилиятилик) пасайиб, касалланиш аҳтимоли қўпайди. Жакел шу нарсани аниқлаганини, ёмон характери

ёни қўрқоқ, ваҳимага тушадиган кишилар бошқалардан кўра қўрқоқ шамоллар экан.

Медиқлар тили билан айтганда, шамоллаш касаллигини юзукли эмас, психоматик характери эга экан.

Нью-Йорк университети олимлари одамларнинг пенсинасини назарда тутиб, ҳар хил касалликларнинг даволашчи доридармонларини ишлаб чиқдилар. Бу дорилар ҳар хил рангданг пиллоладир. Шунинг айтиш керакики, пиллолалар одатдаги нопловлардан фарқ қилмайди. Негаки, улар тарқибда ҳеч қанақанинг дори моддаси йўқ. Киши бу пиллолаларни қабул қилганда ўз-ўзини ишонтириш билан даволанади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, Палада Востока кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — Б36493, Редактор ўринбосарлари — Б35885, Б36232, Массўл секретарь — Б34808, Пропандист, адабият ва санъат бўлимлари — Б31936, Сановат, транспорт ва қурилиш бўлими — Б33786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — Б35811, Кишлоқ ҳўжалиги, фан, мактаб ва олий ўнча юрталари бўлимлари — Б33050, Совет қурилиши, машиин хизмат ва шаҳар ҳўжалиги бўлими — Б33761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — Б34048, Эълонлар бўлими — Б38142, Коммутиатор — Б30249 дан Б30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриятининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01298. ИНДЕКС — 6469, Б — 2258.